ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР, ДОЛЗАРБ КУНЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК. ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ТОБОРА КУЧАЙТИРАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

13 ИЙЛ ЧИҚИШИ

№ 123 (13351).

25 ИЮНЬ ШАНБА 1966 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

⊙ Шароф Мавлудов Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхознинг юқори ҳосилли пахтачилик звеносига бошчилик қилмоқда. Бу уста пахтакорни ҳамма ҳурмат қилади. Утган йили Шароф акалар звеноси 40 гектар ернинг ҳар гектаридан бир кам қирқ центнердан «оқ олтин» етиштирди. Шунинг қувончлиги, ҳосилнинг ялписи фақат биринчи сортга топширилди.

Шароф акани қишлоқдан излаб топишингиз қийин. У далани севади. Ҳамиша тонгни ҳам ўз қадрдон даласида қарши олади. Айниқса бу йил даладан сира нари жилмаяпти. Нега деганда, бу йилги шароит деҳқон учун анча оғир бўляпти. Ғўза бултургига нисбатан қариб бир ой ривожланишдан орқада қолиб кетди. Бунинг устига уни ҳашарот босди. Ҳарорат паст келди. Шундай бўлса ҳам деҳқонлар табиат қийинчиликлари олдида қуллуқ қилиб ўтирмадилар. Барча имкониятларни тўла ишга сола бошладилар. Ғўзани жадал ўстиришга имкон берадиган ҳар бир ишдан, ҳар бир тадбирдан уддабуронлик билан фойдаландилар. Ҳаво ҳам исиб кетди. Сув етарли. Ғўза парвариши звенода кун сайин эмас, соат сайин авж ола бошлади. Шароф ака ва у бошлиқ звено деҳқонларининг кўз ўнгида нозик иншоллар кун сайин қаддини ростлай бошлади. Барча пайкаллар ёппасига шоналади. Яна бирмунча муддат ўтганидан кейин эса қийғос гуллай бошлади.

Шароф аканинг ҳали ҳам кўнгли жойига тушгани йўқ. Негаки, ҳар туп ғўзани серҳосил қилиб олиш учун ҳали жуда кўп иш қилиш керак. Ҳозир звено механизаторлари тўртинчи комплекс ишловни бошлаб юборишган. Суваталаб пайкаллар кечаю-кундуз қондириб суғориляпти. Механизаторнинг ҳам, сувчининг ҳам, оддий колхозчининг ҳам, звено бошлиғи Шароф ака Мавлудовнинг ҳам кўнглида ягона мақсад — гектар бошига бу йил камида 40 центнердан пахта етиштириш! Суратда: ўртоқ Шароф Мавлудов.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МЎЛ ҲОСИЛ ЗАМИНИ

Май ойида ҳавонинг паст келиши бизни ташвишга солди. Аммо қишлоғимиз кишилари, «энди буёғи нима бўларкин» деб тушкунликка тушмадилар. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам мўл ҳосил етиштириш учун курашамиз, деб қатъий аҳд қилдилар. Ҳамон ривожланаётган ғўзаларни чуқур культивация қилиш, қўшимча озиқлантириш, бегона ўтга олдирмаслик тадбирларини изчиллик билан амалга оширдилар. Натижада, ғўза кун сайин ривожлана бошлади. Июнь ойида ҳавонинг исиб кетиши биз пахтакорлар май ойида қилган фидокорона меҳнатга катта мадад бўлди. Мана, ҳозир ишонч билан дадил айтиш мумкинки, июнь ойи бошларида 15-20 кун кечки, деб ҳисобланган ғўзалар бултурги шу вақтдаги аҳвол даражасига яқинлашиб қолди. Ҳамма ерда ғўза текис шонага кирди. 1005 гектар майдондаги ғўза гулламоқда.

Биз бунга осонлик билан эришмадик. Бу йилги шароитда нимжон бўлиб қолган ғўзаларнинг нормал ривожланишига эришиш учун колхозчиларимиз, азамат механизаторларимиз, агроном ва химизаторларимиз астойдил ишладилар. Ҳамма зарур тадбирларни амалга оширдилар. 1150 гектар пахта майдонининг салкам минг гектари узунасига, 552 гектари кўндалангига учинчи культивациядан чиқарилди. Ғўзаларга иккинчи сув таралмоқда. Ҳашаротга қарши икки марта самолёт билан дори сепилди. Кўк куртга қарши ОДН билан 150 гектар ер ишланди.

Кунлар тобора исиб бормоқда. Энг зарарли ҳашаротлардан ўргимчаккана тушиш хавфи бор. Бунинг учун зарур бўлган заҳарли моддаларни тайёрлаб қўйдик. Ўргимчакканага қарши дори сепишни ўз вақтида ўтказамиз.

Ғўзани меёрига етказиб сифатли парвариш қилишда Назир Раҳмонов, Қўшмирза Пардаев ва бошқа ўртоқлар бошлиқ бригадалар пешқадамлик қилмоқдалар.

Колхозимизда 1150 гектар ерга чигит экилган. 2300 тонна ўрнига 2550 тонна пахта сотиш учун сўз берганмиз. Янги беш йилликнинг биринчи йилида ўз зиммамизга шундай мажбурият олган эканмиз, уни тўла ado этиш учун барча имкониятларни ишга солишимиз керак. Ҳозиргача талай ишлар қилинган бўлса ҳам ҳали булар бизни қаноатлантирмайди. Колхозимизда ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам борки, биз уни колхоз партия ташкилоти билан биргаликда аниқлаб, тезда тугатиш тадбирларини кўрмоқдамиз. Бу камчиликлар нималардан иборат? Масалан, 1005 гектар ердаги ғўза бирмунча дуруст бўлса ҳам 145 гектар ердаги ғўза ўсиш ва ривожланишда ҳали ҳам қаноатланарли эмас. Биз энди шонага кираётган ғўзаларни бирмунча кечикяпти деб ҳисоблаймиз. Колхозимиз аъзолари Хоразм пахтакорларининг чақиригига амал қилиб, айрим карталардаги қолоқ ғўзаларни қўшимча парвариш қилмоқдалар. Июнь ойида барча майдонда бир марта узунасига, бир марта кўндалангига культивация ўтказамиз. 145 гектар ердаги паст ҳосилдаги ғўзага шарбат оқизишга киришилди. Бу майдонларда қўшимча парвариш ўтказиш мақсадида ишчи кучлари кўпайтирилди.

Колхоз правленияси, партия ташкилоти маъмурий аппарат ходимларини ҳам бевосита далага сафарбар этди. Идора ходимларидан 20 киши, кексалардан 20 киши ғўза парваришида ёрдам бермоқдалар. Пахтачиликка 402 киши биркитилган бўлса шу кунларда ғўза қатор ораларида 473 киши ишлаб турибди.

Айрим бригадаларда яхши ғўзаларга маҳлиё бўлиб қолиб кетганлиги аниқланиб қолди. Биз буздай бўшашувчиликнинг олдини олишга киришдик. Ана шу бригадаларда карта четларидаги ғўза қаровсиз қолиб кетаётган экан. Маълумки, ҳосил кўчатдан олинади. Энди чигит экиб картани кўчат билан тўлдириб бўлмайди. Қаторларда ўсаётган ҳар бир ғўзани кўз қорачиғидек сақлаш, суғориш, чопиқ ва культивация вақтида эҳтиёт бўлишига йўл қўймаслик, бунинг учун ҳар бир киши жон куйдириши керак. Ўртоқ Ойниса Жайловова бошлиқ бригадасининг 20 гектарлик картасидаги ғўзани кўрсангиз хурсанд бўласиз. Бироқ ўқариқ билан йўл ўртасида ўн метрча кенглик жойдаги ғўзаларга яхши қаралмаган, ўз вақтида ўғит солиниб, культивация қилинмаган, сув қўйилмаган. Шунинг учун бу ерда ғўзанинг ривожи паст. Бундай аҳвол бошқа бригадаларимизда ҳам учрайдики, биз уларнинг олдини олиш учун шошилинч чоралар кўрдик.

Шу кунларда энг муҳим ва ҳал қилувчи вазифалардан яна бири сувдан ишнинг кўзини билиб фойдаланишдир. Бу йил деҳқонларнинг бахтига сув сероб бўлди. Ана шу сувдан оқилона фойдаланилмаса, ғўза чанқаса-чанқамаса ернинг ҳами кетиши билан сув қўйилаверадиган бўлса ғўзамиз сувхўр бўлиб қолиб бўйига зеб беради. Ҳосил тугунчалари пастки бўғинлардан эмас, ўрта ва юқори бўғинлардан олинади. Биз ҳар туп ғўзанинг пастки бўғинидан ҳосил олиш учун курашмоқдамиз. Деҳқоннинг бу муҳим қондасига амал қилмаётган баъзи сувчиларни тартибга чақириб қўймоқдамиз.

Яқинда Ойниса Жайловова бошлиқ бригаданинг Чорвоқ ерларидаги ғўзаларга сув тараётган сувчи Мамат Хатамовнинг ишидан хабардор бўлиб қолдик. У ишлаётган жойдаги эгатни бош томонига, этагига сув кирган бўлса ҳам ўртаси қуруқ турган эди. Биз ўша пайкалларни сувчига қайта суғортирдик. (бу ишига ҳақ тўланмайди албатта). Ҳамма ерда ишни сифатли бажарилишига эришмай туриб олган юксак мажбуриятни бажариш мумкин эмаслигини яхшилаб тушунтирдик узга.

Колхоз правленияси баъзи ютуқларга маҳлиё бўлиб камчиликларни хас-пўшлашга асло йўл қўймайди. Биз ғўзанинг кўкини кўриб, ишни бўшаштириб қўйиш кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келишини яхши биламиз. Деҳқон жўжани кузда саналайди. Бугунги ҳаракатимиз кузда хирмонимизга барака киритишини яхши биламиз. Шунинг учун дала ишлари суръати, сифатини бўшаштирмаймиз, ҳосил тўпланиши учун курашамиз.

Р. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг раиси.

Хоразмликлар ташаббуси асосида

ТАБИИЙ ОФАТНИ ЕНГИБ, МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРАМИЗ

Бағдод районидаги «Коммунизм» колхозида Фарғона область қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда сув тошқини оқибатларини қандай қилиб тезроқ тугатиш ва табиат инжиқликларига қарамай, беш йиллигининг биринчи йили учун олинган мажбуриятларни қандай қилиб муваффақиятли бажариш мумкин, деган масала муҳокама қилинди.

Ордени Фарғона меҳнаткашлари қутуриб ёпирилган табиий офат сабабли рўй берган қийинчиликлардан саросимага тушиб қолмадилар. Ҳамма жойда ҳосилни сақлаб қолиш учун қаттиқ кураш бошланиб кетди. Кенгашда сўзга чиққан Поп район партия комитетининг биринчи секретари Н. Охунов, Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхоз раиси А. Раҳмонов, Поп районидаги Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Одилов ва бошқалар деҳқонларнинг жонкуярлик билан меҳнат қилаётганликларини гапириб бердилар.

Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсиддинов Фарғонанинг дала меҳнаткашлари табиий офатни енгиб, ўз мажбуриятларини бажардилар — Ватанга 485 минг тонна пахта сотадилар, деб ишонтирди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Р. Қ. Қурбонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Г. А. Габриельянц қатнашдилар.

Бағдод (Фарғона области), 24 июнь. (ЎзТАГ).

ЯНА УЧРАШГУНЧА

СОФИЯ, 24 июнь. (ЎзТАГ махсус мухбири). София жамоатчилиги Болгария Халқ Республикасида ўтказилган ўзбек маданияти декадаси қатнашчилари делегациясини илиқ кузатиб қўйди.

Болгария-совет дўстлиги умумхалқ комитети декада қатнашчилари шарафига катта кеча уюштирди. Кечада Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолари, Марказий Комитет секретарлари Митко Григоров ва Борис Велчев, Болгария санъат ва маданият комитети раиси Павел Матев, чет эллар билан маданий алоқа қилиш комитети раиси Георгий Димитров-Гочкин, ёзувчилар, олимлар, санъат ва адабиёт арбоблари, СССРнинг Болгариядаги элчихонаси масъул ходимлари, журналистлар иштирок этдилар.

Кечада КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг Болгарияда ўзбек маданияти декадаси яхши уюштирганлиги, Ўзбекистон вакилларини самимий кутиб олганликлари учун Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети ва болгар-совет дўстлиги умумхалқ комитетига миннатдорчилик изҳор қилинган телеграммаси ўқиб эшиттирилди.

Ўзбекистонлик меҳмонларни Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети секретари Митко Григоров қизғин табриклади. Делегация бошлиғи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов жавоб сўзида самимий учрашувлар учун қизғин миннатдорчилик билдирди.

Ўзбекистон делегацияси ўз Ватанига жўнаб кетди.

ШАРЛЬ ДЕ ГОЛЛЬ СИБИРЬ ДИЕРИДА

НОВОСИБИРСК, 23 июнь. (ТАСС). Франция республикасининг президенти генерал Шарль Де Голль ва бошқа француз меҳмонлари, шунингдек СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний бугун Новосибирскка келишди.

Толмачево аэродроми Франция, Совет Иттифоқи ва Россия федерациясининг давлат байроқлари билан безатилган. Юзлаб меҳнаткашлар қўниш майдонига тўпланишди. Кутиб олувчилар орасида область ижроия комитетининг раиси А. И. Зверев, СССР Олий Советининг депутати Ф. С. Горячев, шаҳар ижроия комитетининг раиси И. П. Севастьянов, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг раиси академик М. А. Лаврентьев ва бошқалар бор.

Новосибирскликлар генерал Шарль Де Голлни самимий кутиб олдилар.

* * *

НОВОСИБИРСК, 24 июнь. (ТАСС). Франция президенти генерал Шарль Де Голль бугун оғир электромашинасозлик заводи («Сибэлектротяжмаш»)да бўлди. СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний ҳам у билан бирга келди.

Меҳнаткашлар депутатлари Новосибирск область совети ижроия комитетининг раиси А. И. Зверев бугун Франция Республикасининг президенти генерал Шарль Де Голль шарафига нонушта зиёфат берди.

Зиёфатда Франция ташқи ишлар министри Кув Де Мюрвиль ва бошқа меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, расмий кишилар қатнашдилар.

МАРРА — 43 ЦЕНТНЕР

Нуриддин Фатҳиддинов юқори чирчиқлик илғор пахтакорлардан бири. У уста ва тажрибали деҳқон. Нуриддин ака раҳбарлик қилаётган бригада бирор йил йўқки, хоҳ колхоз бўйича, хоҳ район бўйича юқори ҳосил олмаётган бўлсин.

Бу йил бригада аъзолари 123 гектар майдонда «оқ олтин» етиштиришяпти. Белгиланган марра ҳар йилгидан ҳам юксак — 43 центнер! Бу рақам айтишгагина осон. Ҳар бир гектар ердан 43 центнер, бошқача қилиб айтганда 4300 килограмм пахта териб олишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун омилкорлик билан иш юритиш, ғўзани ниҳоятда усталик билан парвариш қилиш керак бўлади.

Нуриддин ака бошлиқ пахтакорлар шу кеча-кундузда ана шундай иш юритишяпти. Қатор ораларига ўз вақтида сифатли ишлов бериляпти. Ғўзани ёшлигида озиқлантиришга алоҳида аҳамият қилиняпти Иккинчи озиқлантириш тугалланди. Бунда ҳар гектар ерга 500 килограммдан сульфат аммоний солинди.

Ғўза қатор ораларини кўнгилдагидай қилиб юмшатишда механизаторлардан Зайниддин Жамолиддинов билан Эргаш Аҳмедов ўртоқлар жонбозлик кўрсатишяпти. Сув тарашда эса, Саъдулла Жамбоев, Абдез Баҳитов, Олтин Отабоев ўртоқлар ўз санъатларини намойиш қилишмоқда. Иккинчи сув деярли тугалланди.

Миришкор деҳқонларнинг меҳрига қонаётган ғўзалар ҳозир ёппасига гуллаган. Бу гуллар яқин кунлар ичида тўқ кўсакларга айланади.

З. ДОВУТБЕКОВ.
Юқори Чирчиқ. «Правда» колхози.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН ВАЖАРИЛДИ

Мамлакатимизда чорва маҳсулотлари харид қилиш ярим йиллик плани: чорва моллар бўйича 127 процент, сут бўйича 108 процент, тухум бўйича 113 процент муддатидан олдин бажарилди.

20 июнга қадар 3 миллион 895 минг тонна, ёки ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 838 минг тонна кўп чорва; 17 миллион 135 минг тонна, ёки ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 1 миллион 128 минг тонна кўп сут; 7 миллиард 350 миллион дона, ёки ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 732 миллион дона кўп тухум харид қилинди.

Чорвачилик маҳсулотларини пландан ташқари харид қилиш давом этмоқда.

Россия Федерацияси, Украина ССР, Белоруссия ССР, Литва ССР, Латвия ССР ва Молдавия ССР хўжаликлари давлатга чорва, сут ва тухум сотиш ярим йиллик планини муддатидан олдин бажардилар.

СУВЧИЛАР

Ҳамма ерда бўлгани каби Бекободда ҳам миришкор сувчилар кўп. Улар шу кеча-кундузда эгатларга оби-ҳаёт тараб, ғўзаларнинг қулф уриб ўсишига, шонанинг гулга, гулнинг тўқ кўсакка айланишига имкон бермоқдалар. Мана, Навоий номли колхознинг ўртоқ О. Ҳакимов бошлиқ ёшлар бригадасини олиб кўрайлик. Бу ерда 25 центнер учун кураш кетяпти. Ҳозиргача ғўзага уч марта комплекс ишлов берилди. Сувчилардан Х. Пиримов, Э. Мамадалиев, Ҳ. Бойзоқов, Р. Эгамбердиев сингари ўртоқлар сувдан тежаб-тергаб фойдаланган ҳолда ҳар бир уядаги ғўзаларнинг қониб сув ичишига эришишяпти.

«Победа» колхозининг биринчи участкаси пахтазорларига сув тараётган Э. Эгамқулов, Ғ. Мустафоқулов ва А. Исмоилов ўртоқлар ҳам миришкорликда улардан қолишмайди.

Райондаги 2-«Далварзин» совхозининг ўртоқ М. Оллоназаров бошлиқ комплекс механизациялашган звеносида Қ. Деҳқонов, Ш. Баратов ва Ю. Оллоназаров ўртоқлар сувчилик қилишяпти. Улар ҳозиргача пайкалларга уч марта сув тарашди. Ўз вақтида қониб сув ичаётган ғўзалар кун сайин кўкка бўй чўзиб, баракали хирмондан дарак беряпти.

Қ. СИДДИҚОВ,
Т. УСМОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ВЛКСМнинг яқинда ўз ишини тамомлаган XV съезди совет ёшлари ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг 24 июнда бўлиб ўтган пленуми съезд якунларига ва республика комсомол ташкилотининг вазифаларига бағишланди. Пленумда Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Х. Абдуллаева доклад қилди.

Нотиқлар республика комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифалари ҳақида гапирдилар.

Пленумда ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, комсомол комитетларининг иш услуби ва методларини янада такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусахонов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. Т. Дувакин нутқ сўзладилар. (ЎзТАГ).

ҒЎЗАНИ КУНДА БИР ЯШНАТАМИЗ

Пахта далаларида қизғин дамлар бошланди. Июннинг охирги кунлари ва июлни зарбдор ойлар деб эълон қилдик. Қалби пахта ишқи билан тепаётган ҳар бир киши ўзини ғўза парваришига сафрбар деб билмоқда. Шу кунларда ғўза қатор ораларини 18—20 сантиметр чуқурликда культивация қилиб, бегона ўтларнинг таг-томини билан йўқотилишига эришаётган, ғўзасини оби-тобида суғориб, меъёрида озиқлантираётган азаматлар ўсимликнинг тез ривожланишига эришмоқдалар.

Бизнинг участкамизда ҳам худди шундай қилиняпти. 160 гектар майдондаги ғўзани ҳозиргача уч марта культивация қилдик, икки марта суғориб, икки марта озиқлантирдик. Ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган барча ишлар ўз муддатида, сифатли бажарилмоқда. Чунончи, эгатлар олинишиданоқ бир чеккадан ғўзага сув тарамоқдамиз. Ана шу ерлар етилгач дарҳол культивацияга киришяпмиз.

Айниқса озиқлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Агар минерал ўғитлар ғўзага меъёридан ташқари берилса, ғовлаб кетиши ҳаммага маълум. Шунга кўра биз ҳар иккала звенода ҳам карталарнинг хусусиятини ҳисобга олиб озиқлантиряпмиз. Биринчи озиқлантиришда ҳар гектар ердаги ғўзага 180—200 килограммдан азот, 200 килограммдан суперфосфат ва 70—100 килограммдан калий солганмиз. Иккинчи культивация даврида эса суперфосфат миқдорини 50 килограммга оширдик. Айни вактда баъзи участкаларнинг ҳар гектарига 350 килограммдан маҳаллий ўғитни фосфорли ўғитларга аралаштириб бердик.

Ерларимиз илгари тўқайзордан иборат бўлган. Маълумки, тўқайдек нижиқ жой бўлмайди. Чунки ҳар хил бегона ўт ердаги озиқни ўзига тортиб олади. Натижада ерлар кучсиз бўлиб қолади. Бундай ерларни маҳаллий ва минерал ўғитлар аралашмаси билан озиқлантирилмаса, мўл ҳосил ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Биз кузги шудгор олдидан ерларни ўғитларга тўйдирганимиздан ташқари, баҳорда чигит экиш арафасида ҳар гектар майдонга қариб 11 тоннадан гўнг солдик. Сўнгра экин майдонларинь яхшилаб чизелладик ва борона қилдик. Тупроқ жуда майин ҳолга келтирилди. Ерда яхши нам сақлаб қолинди. Буларнинг ҳаммаси чигитнинг узоғи билан 6 кунда қийғос униб чиқишига имкон берди. Апрелнинг охирги кунларнёқ биз яганани туллаб, қатор ораларни культивация қилишга киришгандик.

Ҳамма тадбирлар кўнгилдагидек ўтказилганлиги, энг муҳими, ҳар туп ғўза қалб кўри билан парвариш қилинганлиги, бегона ўт тамомила йўқотилганлиги ва ҳашарот қириб ташланганлиги туфайли ғўзаларимиз баравж ўсмоқда Ғўзалар бултургига қараганда бир ҳафта олдин гулга кирди. Ҳозир 30 гектар майдондаги ғўзанинг ҳар тупида иккиучтадан тугунча санаш мумкин. Мақсадимиз шонани гулга, гулни кўсакка айлантириб, ғўзаларни серҳосил қилиб ўстиришдан иборатдир.

Шу кеча-кундузда участкамиздаги ҳар иккала звенода ҳам ғўза парвариши жадал давом эттирилмоқда. Звено бошлиқлари Нажот Азизов ва Сайдаҳмад Аноров ўртоқларнинг иккаласи ҳам механизатор. Улар кундузи культивация қилиш билан банд бўлсалар, кечки вақтларини суғоришни текшириш билан ўтказадилар. Ора-чорада терим агрегатларини ремонт қиладилар. 130 гектар майдондаги пахтани машинада териб олиш учун механизаторларимиз учта «зангори кема»ни ҳозирданоқ тахт қилиб қўйдилар. Иккаласи ҳам шу кунларда ғўзани сифатли культивация қилиб, унинг тез ривожланишини таъмин этмоқда.

Пахтаси машинада терилган майдонлардаги ғўзалар алоҳида парвариш қилинмоқда. Бунда қатор ораларни бўйлаб эгатларнинг тўппа-тўғри олинишига эътибор бериляпти. Чунки эгатлар тўғри олинса терим машиналари бир меъёрда бемалол юради, шпинделлар чаноқлардаги пахтани яхши қамрайди. Агар эгатлар қийғир-қийшиқ олинадиган бўлса, бу, биринчидан, агрегатларнинг равон юришига халақит беради, иккинчидан, уларнинг иш унумини пасайтириб юборади, учинчидан, ғўза тупларида яхши очилган пахтанинг бир қисми теримасдан қолиб кетади. Терим агрегатлари ҳадеб чайқаверса, шпинделлар пахтани ғўза барги билан қамраб олиб кетиши, бунинг оқибатида пахтанинг сифати бузилиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз машина теримига ҳозирнинг ўзиданоқ пухта тайёргарлик кўриб боряпмиз.

Ўғит ғўзага дармон бўлса, сув унинг қон томиридир. Лекин суғоришга эҳтиёт бўлмоқ керак. Агар ғўза қўллатиб суғорилса, сув бир жойда тўхтаб қолиб, ғўзани эзиб ташлайди, ернинг пастки қатламига сингиб кетади ва ўсимликнинг илдизига жиддий зарар етказади. Илдиз чириш касаллиги ҳам ана шундан келиб чиқади. Натижада ғўза гул ва шоналарини, бошқа ҳосил тугунчаларини тўқиб юборади.

Биз суғоришни асосан салқин тушганда ўтказяпмиз. Кўпинча кечалари суғорамиз. Бу ишга энг тажрибакор деҳқонларимиздан Номозбой Омонов, Ҳолдор Мадонов, Ўрозохун Ботиров, Тўра Жонисбеков каби ўн сувчи жалб этилган. Улар карталарни бўлиб олиб, ҳар 150—200 метр ораларини ўқ ариқлар чиқариб ғўза суғоришяпти.

Мажбуриятимиз ҳар гектар ердан камида 30 центнердан пахта етиштириш. Юқорида айтганимдек, ғўза гуллаб кўсакларни бошлади. Бундан буён кўсакларни янада кўпайтириш ҳаракатида бўламиз. Шунинг учун ғўзани тағин камида уч марта комплекс парварриш қиламиз. Эрта-индин «шарбат» оқизишга киришамиз. 10 июлгача барча ердаги ғўзани озиқлантириб бўламиз. Асосий куч ғўзанинг талабига қараб суғоришга, бегона ўтларни йўқотишга, тупроқни майин культивация қилишга қаратилади. Тупроқ қанча майин бўлса, ғўза тупларига шунча яхши. Шундай қилиб, ғўзаларни кунда бир яшнатаверамиз.

Омонқул АЙТҚУЛОВ,
Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг участка бошлиғи.

ХАЛК КОНТРОЛИ

КАТТА ТАЯНЧ

Бу завод экономикаси йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Ишчилар, инженер-техник ходимлар КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми ҳамда КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошириш йўлида зиммаларига конкрет мажбурият олган ҳолда ишлаб, янгиянги ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Завод эришаётган ютуқларда халқ назоратчиларининг ҳам ҳиссаси бор. Ўртоқ З. Каримбердиев бошчилик қилаётган халқ контроли группаси 9 кишидан иборат. Халқ назоратчилари маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган планнинг муддатидан илгари ва сифатли бажарилишида завод дирекцияси ва партия ташкилотига яқиндан ёрдам бераднлар. Уларнинг ташаббуси билан турли хил текширишлар ўтказилади, аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан зарур тадбирлар белгиланади.

Агар сиз халқ назоратчиларининг иши билан танишмоқчи бўлсангиз, завод маъмурияти, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари органи «Қиринди» деворий газетаси билан танишинг.

Ойда икки марта чиқиб турадиган бу деворий газетада халқ назоратчилари томонидан очиб ташланган камчиликлар, уларнинг ибратли ташаббуслари мунтазам ёритиб турилади. Деворий газетага халқ назоратчиси ўртоқ Н. Е. Екимов редакторлик қилади.

Яқинда ана шу деворий газетада халқ назоратчиси ўртоқ Л. И. Иброҳимов ҳақида мақола босиб чиқилди. Мақолада Иброҳимовнинг ташаббуси ҳақида гап юритилади.

Бу ташаббус нимадан иборат?

... Назоратчиларнинг навбатдаги мажлиси ўтказилмоқда эди. Шунда халқ назоратчиси ўртоқ Л. Иброҳимов сўз сўраб қолди.

— Заводимизда,— деди у,— турли маркадаги автомобиллар шинаси ремонт қилинади. Бундан ташқари ҳар хил машиналар учун юзга яқин резина деталлари ҳам ишлаб чиқариладн. Ҳар бир деталнн ишлаш учун суюлтирилган резина қолипидан фойдаланилади. Бу қолип 160 градус иссиқликда пресланади. Қолипнинг ён-веридан оқиб чиққан резиналар юқори даражадаги иссиқликда «пишиб» қолиб яроқсиз ҳолга келади. Менимча ана шундай нобудгарчиликка чек қўйиш вақти келди.

— Қандай қилиб, таклифингизни айтинг,— дейишди мажлис қатнашчилари.

— Мен текшириб кўрдим,— деди Иброҳимов,— шу зайлда иш юритилиши туфайли суткасига 29 килограмм резина нобуд бўларкан. Бу 23 сўм 20 тийин деган сўз. Шу сабабли резинадан деталлар ишлаб чиқаришда нормада белгиланган резинани сарфлашга эришиш, ҳар бир грамм резинани тежаш, уни қайта ишлаб чиқаришга солишни таклиф қиламан.

Халқ назоратчисининг таклифи ўрганилиб, март ойидан бошлаб ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Илгарилари резина буюмлари ишлаб чиқариш учун ҳар ойда 4—5 тонна ҳомашё ишлатилар бир-бир ярим тонна резина чиқиндига чиқариб юборилларди. Эндиликда эса, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг миқдорига қараб ой сайин ярим тоннадан тортиб, бир тоннагача резина тежаб қолинмоқда.

Ўтган ойда заводда автомобиллар учун нормадаги 2700 ўрнига 2930 та шина ишлаб чиқарилди. Пландан ташқари ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот 6 минг сўмни ташкил этди.

Халқ назоратчилари брак маҳсулот ишлаб чиқаришга нисбатан қатъий кураш олиб бормоқдалар. Шу сабабли брак маҳсулот ишлаб чиқариш анча камайди.

Заводда техника контроли бўлимининг старший контролер ўртоқ Л. Иброҳимовга ўхшаган назоратчилар кўп. А. Богаченко, Р. Шоназаров, Н. Раҳматуллаев ўртоқлар ҳам завод экономикасининг юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Завод инженер-техник ходимларининг таклифи билан иккинчи категориядаги покришкалар ишлаб чиқариш тезлиги икки баравар ортди. Илгари тешилган покришкаларга ямоқ солиниб, аввал бир бор пишириб олинар, сўнг унинг устки қаватига резина қопланиб, яна пиширилларди. Эндиликда эса, бу ҳар икки иш жараёни махсус аппаратлар ёрдамида бир вақтнинг ўзида бажарилмоқда. Завод ана шу таклифнинг амалга оширилиши туфайли ҳозиргача тўрт минг сўмга яқин маблағни иқтисод қилди.

— Халқ назоратчиларининг ишидан миннатдормиз,— дейди завод бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ П. Тимошкин, — улар қатъий белгиланган план асосида иш олиб борадилар.

Халқ назоратчилари ҳар соҳада бизга кўмак беришяпти. Мана бир мисол. Қанчаданқанча меҳнат сарф қилиниб тайёрланган маҳсулотлар очиқ ҳавода қолиб, сифати бузиларди. Жонкуярлар бунга бефарқ қараб турмадилар. Уларнинг ташаббуси билан 5 мингга яқин шина сиғадиган токчалар қурилди. Ҳозир маҳсулотлар ана шу ерда сақланиб, харидорларга ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Чуқурсойдаги 9-автомобиллар шина ремонти заводи халқ назоратчилари ана шундай жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

Оржоникидзе районидаги Киров номли колхозда мўл ҳосил тўплаш ишига халқ назоратчилари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Суратда: (чапдан) халқ назоратчиларидан М. Хусанова, Г. Ортиқов ва колхознинг бош агрономи М. Иўлдошев ўртоқлар ғўзанинг ривожини кўздан кечирмоқдалар.

Д. МУХСИНОВ фотоси.

ТЕЖАМКОРЛАР

Совхозимиз ишчилари беш йилликнинг дастлабки йилида 828 гектар ерда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Давлатга 8 минг тоннага яқин сабзавот, 1100 тонна картошка, 125 тонна гўшт, 600 тонна сут етказиб беришга аҳд қилганмиз. Бу соҳада дастлабки ютуқлар қўлга киритилди. Давлатга гўшт, сут сотиш ярим йиллик планлари муддатидан илгари бажарилди. Пилла ҳосили ҳам мўл бўлди, план адо этилди. Ҳар йилгидек бу йил қарам ҳосили барвақт етиштирилди ва районда биринчи бўлиб шаҳарликларга етказиб берилди. Бошқа хил сабзавот ҳам пешма-пеш топширляпти.

35 гектарга сепилган баҳорикор буғдой ва арпа ҳосили шу кунларда жадал суратда ўриб-йиғиб олиниб ҳосил пешма-пеш давлат омборларига элтиб берилмоқда.

Ғаллакорларимиз бу йил 192 тонна дон етиштиришлари керак. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ғалла ўрим-йиғимига пухта тайёргарлик кўриш ва уни тез фурсатда ўриб-йиғиб олиш ҳақидаги қарори совхоз партия комитетида ишлаб чиқилди ва ғалла ўрим йиғимини кучайтириш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Шу муносабат билан совхоз партия комитетининг секретари ўртоқ М. Ёқубжонова иштирокида халқ контролига кўмаклашувчи группа аъзоларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда ғалла ўрим-йиғимида қатнашаётган халқ назоратчиларнинг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда халқ назоратчиларидан Й. Қодиров ва механизатор И. Эгамбердиевларнинг иш тажрибалари ҳаммага маъқул бўлди. Улар комбайнчиларнинг ишга ўз вақтида тушишларини, комбайнларнинг бекор туриб қолмасдан унумли ишлашини таъминламоқдалар. Шунингдек, ғалласи ўриб-йиғиб олинаётган майдонларда ёғингга қарши кураш чоралари ҳам кўрилди. Ўриб олиниб, янчилган ғалла комбайнлардан тўппа-тўғри давлат омборига элтиб берилади. Халқ назоратчилари ғалланинг йўлда тўкилиб-сочилиб нобуд бўлмаслиги давлатга топширилаётган ҳар бир килограмм ғалланинг тўғри ҳисобга олинишини таъминламоқдалар.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли совхозда ғалла ўрим-йиғими ишлари муваффақиятли ўтказилмоқда. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти ҳосил жонкуярлари — актив назоратчиларнинг хизматини муносиб тақдирламоқда. Масалан, халқ назоратчиси Йўлдош Қодиров бир ойлик маошн миқдоридаги пул билан мукофотланди.

Халқ назоратчилари бошқа соҳаларда ҳам синчковлик билан иш олиб бормоқдалар.

А. ТУРСУНОВ,
«Қорасув» совхози ишчиси.

АКТИВЛАР ВА ПАССИВЛАР

Бу йил Оржоникидзе райони бўйича давлатга 5000 тонна картошка, 50 минг тонна сабзавот етказиб берилади.

Бу шарафли вазифани бажаришда халқ назоратчиларининг роли катта бўлади, албатта.

КПСС XXIII съездида халқ назоратчиларининг ролига катта баҳо берилди. Уларнинг халқ орасидаги обрўси ва таъсирини оширишга қаратилган тадбирлар белгиланди. Йил бошида халқ назоратчиларининг сафига жуда кўп жонкуяр, ишбилармон кишилар келиб қўшилди.

Район партия комитети уларнинг кучига, бевосита ёрдамига таяниб, катта тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳар бир колхоз ва совхозда халқ контроли группаси бор, улар партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган муҳим вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашга кўмаклашмоқдалар.

Ленин номли колхоз партия ташкилоти халқ назоратчиларига, айниқса, яхши раҳбарлик қилмоқда. Колхоз партия ташкилотининг секретари Р. Аҳмадалиев назоратчиларнинг ишига яқиндан ёрдам беради. Назоратчилар ҳар ой, ҳар бир квартал учун план тузиб оладилар. Бу планларда колхоз ишлаб чиқаришнинг қайси соҳаларига эътибор бериш кераклиги келишиб олинади. Шундан сўнг, бу план партия комитетининг бюросида муҳокама қилинади ва тасдиқдан ўтказилади.

Халқ контроли группасига коммунист Ҳамид Абдуқосимов раҳбарлик қилмоқда. Бу группа ўнта секцияга бўлинган. Бу секциялар чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, пахтачилик ва бошқа соҳалар бўйича иш олиб боради.

Сабзавотчилик секциясининг фаолияти, айниқса, самарали бўлмоқда. Бу секция аъзолари ерни экишга тайёрлаш, экиш, парваришлаш ишларини кузатиб бордилар. Йўл қўйилаётган камчиликлардан колхоз правленнеси ва партия ташкилотини ўз вақтида хабардор қилиб турдилар. Бу тадбир катта фойда келтирди. Жуда кўп бригадалар сабзавот экиндиларидан мўл ҳосил олиш учун замин яратдилар.

Етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиб, шаҳарликларга етказиб бериш энг муҳим вазифа. Буни яхши тушунган халқ назоратчилари ишни бошидан пухта қилдилар. Колхознинг Юсуфбой Жўраев, Ахрор Содиков, Таттибой Қидирбоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида текширишлар ўтказдилар. Текширишда анчагина экиш майдонлари ўтга олдириб қўйилганлиги аниқланди, баъзи карталарга ҳашарот тушган. Бу камчиликлар бригада бошлиқлари, агрономлар иштирокида муҳокама қилинди. Экиндиларни ўтдан тозалаш учун қўшимча ишчи кучлари ажратилди. Ҳашаротга қарши дори сепишга киришилди. Бригадаларда меҳнат интизоми мустаҳкамланди.

Механизация секцияси ҳам яхши ишлаяпти. Бу секция аъзолари З. Нуриддинов бошлиқ трактор парки кейинги пайтда ёмон ишлаётганлигини аниқладилар. Аҳвол колхоз правленнеси ва партия ташкилотининг қўшма йиғилишида муҳокама қилинди. Камчиликлар тугатилди.

Лекин ҳамма колхозлардаги халқ контроли группалари ҳам ана шундай актив иш олиб бормоқдалар, деб айта олмаймиз.

«Коммунист» колхозидаги ўртоқ Т. Давронбеков бошчилик қилаётган халқ контроли группасида 39 киши бор. Лекин уларнинг конкрет плани йўқ. Кимга қандай топшириқ берилганлиги, кимнинг қандай ишлаётганлигини билиб олиш амримаҳол.

Жуда кўп камчиликлар назоратчиларнинг эътиборидан четда қолмоқда. Мана, бир мисол: колхознинг ўртоқ С. Ўрмонов бошлиқ бригадасида 20 гектарга яқин пиёзнинг 9 гектари бутунлай қаровсиз қолиб кетган, 4 гектар ковун-тарвузни ўт босган. Шу бригаданинг ўртоқ Х. Очилов бошлиқ звеносида ҳам экинларнинг аҳволи ёмон. Звенода беш киши бор бўлиб, уларнинг баъзи бирлари хоҳлаган пайтда ишга чиқади. Агар халқ назоратчилари масъулиятни ҳис қилиб иш олиб борганларида эди, юқоридаги камчиликларнинг олди олинган бўларди. Колхоз партия ташкилотининг секретари эса уларга конкрет раҳбарлик қилишни унутиб қўйган.

Актив ва пассив назоратчилар ҳақида яна бошқа мисолларни ҳам келтириш мумкин.

Энди икки оғиз гап район халқ контроли комитетининг штатсиз инспекторлари тўғрисида. Яқинда штатсиз инспекторларимиздан В. Ромашкин, Х. Маҳмудов ўртоқлар Горький областидан Қодия станциясига келтирилган 19 вагон уруглик картошканинг тақдири билан қизиқиб кўрдилар. Текшириш натижасида 39 тонна-ю 546 килограмм картошка камлиги аниқланди. Текшириш ҳужжатлари расмийлаштирилиб, чора кўриш учун тегишли органларга юборилди.

Халқ назоратчилари КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларининг қандай амалга оширилаётганлигини назорат қилишда ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар. «Узсельхозтехника»нинг район бўлими «Октябрь» колхозида сувсиз ерларга сув чиқариш юзасидан ирригация ва мелиорация ишларини олиб борди ва 75 минг кубометр ҳажмдаги тупроқ ишлари бажарилди деб ҳужжат расмийлаштирилди. Бажарилган иш учун 100 процент ҳақ тўланди.

Халқ назоратчилари бу ишнинг сифатини текшириб кўрдилар. Насос ёрдамида ўша ерларга сув чиқариб кўрилди. Бироқ бу уринш бефойда кетди.

Нега шундай бўлди? Халқ контроли комитетининг штатсиз инспекторлари И. Ўразаев ва Ле Хва Лен ўртоқларнинг синчиклаб текшириш натижасида кўзбўямачилик қилинганлиги, қотозда кўрсатилганига нисбатан 8488 кубометр ҳажмдаги иш ҳам бажарилганлиги аниқланди. Кўзбўямачилик оқибатида суғорилиши керак бўлган сабзавот экиндилари сувсаб қолиб, колхозга катта зарар етган.

Биз бундан буён ҳам халқ контроли группалари, ҳамда штатсиз инспекторларнинг ишини активлаштириш учун курашамиз. Бошлангич партия ташкилотлари халқ назоратчиларига доимо йўл-йўриқ кўрсатиб турсинлар. Ана шунда ўз олдимизга қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига эришамиз.

С. МАДАЛИЕВ,
Оржоникидзе район халқ контроли комитетининг ранси.

ХАЛҚ ИШИ—ҲАҚ ИШ

МУҲИМ МАСАЛА

— Мамлакатга фақат аъло сифатли машиналар етказиб берамиз! — Шу кеча-кундузда «Чирчиксельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ана шу шиор остида меҳнат қилмоқдалар.

Ҳамманинг диққат-эътибори энг муҳим масала — сифатли машиналар ишлаб чиқаришга қаратилган. Айниқса, ўртоқ М. А. Панов, М. Я. Шперберг ўртоқлар бошлиқ цехларда бу иш яхши йўлга қўйилган. Халқ назоратчилари ана шу цехларда бир неча текшириш ўтказдилар. Бу текширишларда пайвандлашнинг сифати, пайвандлаш учун узел ва деталлар тайёрлаш қандай йўлга қўйилганлиги, машиналарни бўяш ишлари текшириб кўрилди. Натижада муҳим камчиликлар аниқланди. Баъзи бир ишчилар соя орқасидан қувиб, сифатга эътибор бермай қўйганлар. Узел ва деталлар тайёрлашда технология режимининг бузилиши натижасида сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилган. Айбдорлар ўз вақтида огоҳлантирилди. Камчиликлар бартараф этилди.

Шу йилнинг февралида халқ назоратчиларидан иборат махсус группа 2 ва 3-механика-йиғув цехларида текшириш ўтказганида ҳам қатор камчиликлар очиб ташланди.

Бу йил завод коллективи олдида катта вазифалар турибди. Беш йилликнинг биринчи йилида заводда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 процент кўпаяди. Завод дирекцияси, партия ташкилоти бу вазифани шараф билан бажариш тадбирларини кўрмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу соҳада анчагина ишлар қилиб қўйилди. Халқ назоратчилари ҳар йилгидек бу йил ҳам жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар. Экиш кампанияси вақтида улар айрим колхоз ва совхозларда бўлдилар. Завод ишлаб чиқарган КРХ-4 маркали машиналарнинг қандай ишлашини кузатдилар. Механизаторлар билан маслаҳатлашдилар.

Май ойида халқ назоратчилари техника контроли бўлимининг мастерлари билан биргаликда Тошкентдаги бошқа заводларда бўлиб, ўзаро тажриба алмашдилар. У ердан завод ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳсулот сифатини яхшилашга оид қимматли тажрибаларни ўрганиб қайтдилар.

Ҳеч шубҳа йўқки, бу тажрибаларнинг кенг жорий қилиниши натижасида завод ишлаб чиқаришн яна ҳам яхши йўлга қўйилади.

П. АБЛАМОНОВ,
завод 6-цехи техника-контроли бўлимининг мастери, халқ назоратчиси.

Киров районн, Чемпион кўча, 40-уйда пропискада турарканн. Ҳатто у ана шу уйнинг бузилиб дарз кетганлиги учун Давлат страхованиесидан ёрдам ҳам олибдн. Учинчи киши эса, Бухорода турар экан. Борис Константиновичнинг бир ўзи каттагина уйни банд қилиб турибди. Буни текшириб, масалани ойдинлаштириш керак.

Пирмат аканинг гапларини блокнотига ёзиб олди аёл.

— Сизга,— деди Пирмат ака,— мана бу отахонимиз ҳам ёрдам беради.

— Бўлар энг яхши назоратчиларимиз,— дейди улар чиқиб кетгач, Пирмат ака,— ҳалиги аёл автобус паркининг ходими, жуда ғайратли, камчиликларга муросасиз назоратчи. Биз уни шу зилзила оқибатларини тугатишга қаратилган тадбирлар кўрилиши муносабати билан уч-тўрт кунга ёрдам учун сўраб олдик. Анави кекса киши эса, комитетимизнинг штатсиз шиқоят ва таклифлар бўлимининг мудири Николай Павлович Гайдурев. Ёши 70 дан ошган бўлишига карамай, йигитлардек серҳаракат, ғайратли.

Шу пайт хонага ёшгина бир йигит билан аёл кириб келади.

— Йўқлаган экансиз,— деди йигит.

— Ёрдамларингиз керак бўлиб колди,— деди Пирмат ака.— ўзларингизга маълум, дастлабки пайтларда зилзиладан зарар кўрган уйларни текширишда баъзи пала-партишликларга ҳам йўл қўйилди. Текшириб борувчиларнинг юмшоқ кўнгиллилигидан фойдаланган айрим гражданлар кўрилган зарарни ҳаддан ташқари бўртириб кўрсатишган. Ҳозир ўша пайтда тузилган актларни текшириб кўриш керак. Ўзларингиздан колар гап йўқ, қиш бошлангунга қадар бошпанасиз қолганларнинг ҳаммасини янги квартиралар билан таъминлаш қийин. Демак, кўп уйларни ремонт қилишга тўғри келади. Текшириш ўтказганларингизда масаланинг ана шу томонларига эътибор беринглар.

Сут комбинатининг илғор ишчиси Хатира Қосимова ва халқ хўжалиги институтининг студенти Муроджон Қосимовлар навбатдаги топшириқни бажариш учун отланишди.

Шу пайт хонага яна бир нуроний кекса кириб келди. Тураржойларни эксплуатация қилиш 1-конторасн халқ назоратчиларининг бошлиғи пенсионер Алексей Смирнов Пирмат ака билан самимий сўраштр экан, унга бир варақ қоғоз узатди.

— Мана бунда,— деди у қоғозни узатиб,— қаерларда қайси уйлар бўшлиги, қанча оилани кўчириш мумкинлиги ҳақида маълумот ёзилган. Бу ҳақдаги ахборотни тезда район ижроия комитетига маълум қилсак яхши бўлади.

— Иш деган мана бундай бўлибди, раҳмат сизга отахон,— деди Пирмат ака Алексей Смирновга миннатдорчилик билдирнб.

— Ана шунақа,— дейди Чилонзор райони халқ контроли комиссиясининг раиси Пирмат Шермуҳамедов,— биз турар-жойларни тақсимлаш, ордер бериш, зилзиладан зарар кўрган биноларнинг техник ҳолатини аниқлаш, кишиларга моддий ёрдам беришни уюштириш билан бирга, кўшимча уй-жойларни ахтариб топишда ҳам район ижроия комитетига кўмаклашмоқдамиз.

Ҳозирги кунга қадар халқ назоратчиларининг ёрдамида бўш ётган квартиралардан жуда кўпи аниқланди. Бу уйларнинг эгаларига ўтган йилнинг охири ва шу йилнинг бошларида ордер берилган. Район ижроия комитети бизнинг таклифларимизни ҳисобга олиб, ана шу квартираларга ҳам бошпанасиз колган оилаларни кўчириб ўтказишга карор килди.

Районда якка тартибда уй қуриш учун илгари ер участкаси ажратиб берилган 70 та оила бор экан. Улар бу участкаларни деярли битириб қўйишган бўлишса ҳам ҳали кўчиб ўтмаган. Халқ контроли комитети ана шу участкаларга ҳам бошпанасиз колганларни кўчириб ўтказиш таклифини киритди. Район ижроия комитети бизнинг бу таклифимизни ҳисобга олмоқда.

Халқ назоратчиларининг синчковлик билан ўтказаётган текширишлари натижасида яна кўп нарсалар аниқланмоқда: уй бошқармасининг рўйхатида у ёки бу квартирада беш-олти киши турадн, деб қайд қилинган, амалда эса, бу уйларда бир-икки киши яшамоқда. Оиланинг колган аъзолари бошқа шаҳарларга ва квартираларга кўчиб кетишган.

Зилзила оқибатларини тугатиш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшаётган назоратчиларимиздан миннатдормиз. Айниқса пенсионерлардан К. Т. Зуев, В. И. Котеров, Л. С. Волошина, Саодат Насриддинова сингари ўртоқлар астойдил меҳнат қилишяпти. Халқ назоратчилари бошпанасиз қолганларни кўчириб қиритиш мумкин бўлган квартираларни аниқлашда ҳар бир ҳолатни, ҳар бир имкониятни ҳисобга олишмоқда. Халқ контроли комитети район ижроия комитети ҳузуридаги фавқулодда комиссияга зилзиладан зарар кўриб, бошпанасиз қолганларга ўша жойнинг ўзида ордер беришни таклиф этди.

Шуни афсус билан айтиш керакки, айрим гражданлар уйларига вақтинча бошпанасиз қолган оилаларни қабул қилиш имкониятига эга бўлсалар ҳам, бу ишдан бош тортмоқдалар. Район халқ контроли комитети бундайларга бефарқ қарай олмайди. Биз бундай кишиларнинг иш жойига хат ёзамиз, агар коммунист бўлса район партия комитетига хат ёзамиз. Жамоатчиликнинг ўзи уларни муҳокама қилиб кўрсин...

Чилонзор райони халқ контроли комитети ва бу комитетнинг жонкуяр назоратчилари шаҳримиз аҳолисининг бошига тушган ташвиш изларини тезда йўқотиш йўлида ана шундай қураш олиб бормоқдалар. Бошпанасиз колганларнинг ҳожатини чиқаришда район ижроия комитетига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Н. РИХСИЕВ.

1. Изоҳнинг ҳожати йўқ. 2. «Ремонт»дан сўнг. Мастер: «Энди бирон нарса кўриняптими?!» 3. Тавба, тушунолмай қолдим. Рационализаторлик таклифи ни қабул қилдик, мақтадик, мукофот бердик, яна нима керак?! Нега уни ишлаб чиқаришга жорий қилмайсизлар, деб бош қотиргани нимаси? 4. Ҳой ноинсофлар! Бўш кетяпсизлар-ку, нега тўхтамайсизлар?!

А. Ҳолиқов чизган расмлар.

ОЛТИН ДЕНГИЗ МАВЖ УРАДИ

ҒАЛЛАЗОРДА ўзгача тонг отади. Қуёш уфққа туташ ғаллазорлар бағрида гўё тун бўйи яшириниб ётади-ю, тонгда шу олтин денгиз тубидан балқиб чиқади. Балқиб чиқади-да, тўқ бошоқлар жамолига нур, нур эмас — олтин суви югуртади...

Субҳидам саболари олтин денгизни оҳиста тўлқинлатиб, кишига ажойиб манзара ҳадя этади. Бўлиқ буғдой гуплари енгил эпкиндан аста энгашиб, шу тонг палласидаёқ қадрдон даласига етиб келган ғаллакорга келиничак каби таъзим қиладилар...

Сал ўтмай ғалла денгизида худди кечаги кун қайтадан бошлангандай бўлади. Кеча тонгда қатор-қатор комбайнлар қуёш кўринар-кўринмас гурилдай бошлаган эди. Бугун ҳам шундай бўлянти. Кеча уззукун қудратли агрегатлар бирор дақиқа ҳам тиним билмай, ғалла ўрган, дон хирмонининг чўғига чўғ қўшган, қош қорайиб самога сон-саноқсиз юлдузлар инган палладагина ишдан тўхтаган эди. Бугун ҳам шундай бўлади...

Мана, кўплаб агрегатлар қатори Мухсиннинг комбайни ҳам олтин денгиз ичра суза бошлади. Мотор бир меёрда гувиллаб турибди. Агрегат олга босгани сайин транспортёрга ўрнатилган пичоқлар ғалла тупларини тагидан худди сартарош соч олгандай теп-текис қилиб қирқиб кетар, олтин бошоқлар агрегат ичра ўтиб, машина кузовига буғдой селини ёндирарди.

— Муҳаммаджон, — деди Мухсин овозини мотор товушидан ҳам баландроқ кўтариб — Қалай, ҳаммаси яхши ишлаяптими?

Мухсиннинг ёрдамчиси Муҳаммаджон бошмалдоғини кўрсатиб «яхши» ишорасини қилди. Шундан кейин Мухсиннинг кўнгли жойига тушиб, уфққа туташ ғаллазорга нигоҳини қадаганча штурвални яна ҳам дадил бошқара бошлади.

Қуёш найза бўйи кўтарилди. Комбайн даланинг нариги чеккасига бир неча марта бориб қайтди. Шоферлар Робит Ҳамидов билан Қутти Ҳасанбоев катта хирмонга қайта-қайта қатнаб, Мухсиннинг комбайни йиғаётган буғдойни бўшатиб келишди. Комбайнчининг ҳам, ёрдамчи Муҳаммаджоннинг ҳам пешонасидан дув-дув тер қуяр, улар эса буни писанд қилишмасди.

Шу пайт ҳўв нарига келиб тўхтаган енгил машинанинг қораси кўринди. Мухсин ўша ерга етиб боргач, комбайнни тўхтатиб, пастга тушди. Машина ёнида колхоз раиси Эгамберди Холматов билан партком секретари Маъруф Йўлдошевлар туришарди.

— Ҳа, келинглар, келинглар, — деди Мухсин улар билан қўл бериб кўришаркан.

— Ҳорманг энди, Мухсинбой, — деди раис, — бугунги ғайратингиз зўр-ку, оғайни!

— Фурсатни қўлдан бериб қўймайлик деяпмиз-да.

— Энди буёғини ҳам бўшаштирмайсизлар-да. Мухсинбой.

— Ҳа, албатта!

Раис билан партком машинага ўтириб қўшни бригадага ўтиб кетишди. Мухсин билан Муҳаммаджон эса, агрегатни яна юргизиб юборишди...

Паркентдаги «Гулистон» колхозининг беғубор ғаллазорларида ҳар куни ана шундай жўшқин ҳаёт ҳукм суради. Аллақанча комбайн ва автомашиналарни бетиним ишлатиб турган комбайнчилар ҳам, шоферлар ҳам тонг қоронғусидан шом қоронғусигача тиним билишмайди. Ғалла хирмонларига кун сайин, соат сайин, ҳар дам сайин барака кирянти. Бунда кўплар қатори азамат комбайнчи Мухсин Беков билан Муҳаммаджон Умаровнинг ҳиссаси салмоқли. Бу икки сергайрат йигит «Коммунистик меҳнат экипажи» деган улуғвор номни сидқидилдан оқлаяпти. Ғалла аксарият ёнбағир ерларга экилган. Бундай ерларда комбайнни бошқариш учун ниҳоятда моҳирлик кўрсатиш керак. Мухсин уста комбайнчи. У ернинг пасти-баландини яхши билади. Агрегатни энг қийин жойлардан ҳам усталик билан бошқариб ўтади. Ана шунинг учун ҳам ишнинг унуми катта. Ҳар куни нормани бир ярим ҳисса қилиб бажармаса асти кўнгли жойига тушмайди.

Гулистонлик бошқа комбайнчиларнинг иш юритишлари ҳам худди Мухсиннникидай. Улар ҳам ёнбағир ғаллазорларда агрегатларни усталик билан бошқариб, кунлик нормаларини анча эпёдаси билан бажаришяпти ва колхоз хирмонига барака қўшишяпти.

— Ғаллакорларимиз «ҳосилни 15-20 кун ичида ўриб-йиғиб оламиз» деган ваъдаларининг устидан чиқиш учун мавсумнинг биринчи куни, биринчи соатларидан бошлабоқ енг шимариб ишга киришиб кетдилар, — дейди колхоз раиси ўртоқ Э. Холматов, — хўжалигимизда ўрим-йиғим кампаниясига ҳартарафлама пухта тараддуд кўрилгани, техниканинг сифатли ремонт қилингани эндиликда суръатни кун сайин жадаллаштиришда бизга қўл келяпти. Биз бутун кучни ўрим-йиғимга сафарбар этаяпмиз. Ғалла хирмонини баракали қилиш учун курашаётганлар орасида юздан ортиқ коммунист ва комсомоллар бор. Улар ишда бошқаларга алоҳида ўрнак кўрсатишяпти.

Колхозда бу йил ғалла жуда мўл бўлди. Ҳозир комбайнлар бункеридан тушаётган ҳосил йил бошида мўлжалланган ҳосилдан бир ярим ҳисса ортиқ бўляпти. Демак — йиллик план ҳам камида бир ярим ҳисса ошириб бажарилади!

Ғаллакорлар хирмоннинг чўғини 42 минг 500 центнердан оширишга астойдил бел боғлашган. Ленин орденли Муҳит Сандов, Зокир Қурбонов ўртоқлар бошлиқ ғаллачилик бригадаларининг аъзолари эса, жуда юксак марраларни кўзлаб иш юритишяпти. Улар гектар бошига олинадиган ҳосилни 12-13 центнердан оширишга сўз беришган.

Ғалла ўрим-йиғимининг жадал боришида колхозчиларга яратиб берилган қулай маданий-маиший шароитлар ҳам катта аҳамиятга эга бўляпти. Олтин денгиз бағрида қад кўтарган дала шийпонлари шинам қилиб безатилган. Ғаллакорлар фидокорона меҳнатдан сўнг бу ерда чинакамига дам олиб, ҳордиқ чиқарадилар. радиоприёмникдан турли хил янгиликларни, дилрабо куй ва қўшиқларни тинглайдилар, газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишадилар...

Ташаббускор «Гулистон» колхозининг азамат ғаллакорлари бугун-эрта ғалаба рапортига имзо чекадилар.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ.



Суратларда: (юқорида ўнгдан) илғор комбайнчи Мухсин Беков, ғаллачилик бригадаси бошлиғи Зокир Қурбонов ва комбайнчи ёрдамчиси Муҳаммаджон Умаров ўртоқлар. (Пастда) колхозда ўрим-йиғим пайти.

М. Нуриддинов фотолари.

ПЕШҚАДАМЛАР

Хатларни варақлаганда

«... Трактор-йиғув заводининг ишчилари шу йилнинг ўтган ойлари ичида пландан ташқари ўнлаб Т28х3 маркали трактор ишлаб чиқардилар».

«... Тошкент ипак-йигирув фабрикасининг йигирув цехида кунлик норма доимо ошириб бажарилянти. Ҳар сменада бирнеча килограммдан пилла иқтисод қилинянти».

Редакцияга келган ана шундай мазмундаги хушхабарларни ҳаваскор мухбирлардан **С. Тўлаев, И. Каримов** ёзиб юборишибди. Бундай меҳнат ғалабаларини тараннум этувчи хат-хабарлар оқими, айниқса шу кунларда кўпаймоқда.

Хатларнинг ҳар бирида завод ёки фабрика, қурилиш ёки транспорт ташкилотлари коллективларининг кундалик, оддий, аммо фидокорона меҳнат қилаётганликлари, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг куч-ғайрати, қалб ҳарорати, орзу ва интилишлари ўз аксини топган.

Совет кишиларининг кундалик ишлари ва ниятлари КПСС XXIII съезди қарорлари, янги беш йиллик план режалари билан чамбарчас боғланган. Моддий бойлик яратиб, Ватанимиз қудратига-қудрат қўшаётган, табиатнинг асов қучларини енгаётган, шаҳар ва қишлоқларни бунёдга келтираётган кишиларимиз шу кунларда партия съезди қарорларидан руҳланган ҳолда, келажак планларимизда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш йўлида тинмай меҳнат қилишяпти.

Редакцияга келган кўпгина хатхабарларда турли касб эгалари ҳақида, уларнинг кундалик меҳнати ва изланишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Масалан, темирйўл машинисти ўрток **О. Усмонов** ўз касбдоши Юнус ака Тўлаганов ҳақида бундай деб ёзади:

«Юнус ака йигирма беш йилдан бери темир йўлда ишлайди. Оддий кочегардан машинистлик даражасига кўтарилди. Унинг ўзи бир маҳаллар шогирд эди. Ҳозир эса — устоз! Ёшлари тарбиялаш, уларга ўзи севган касбни ўргатишни фахр деб билади. Н. Чернишев, Х. Нигматуллин, И. Ярних каби ёшлар унинг тарбиясини кўришган, ундан ҳунар ўрганиб, мана энди машинистлик қилишяпти. Юнус аканинг кўксини Ленин ордени, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали безаб турибди. Уни ҳақли равишда «пўлат отлар мафтуни» дейишади.

Мана, яна бир хат. Унда мухбиримиз **Ю. Баҳодиров** Октябрь революцияси номли тепловоз вагон-ремонт заводида неча йиллардан бери туникасоз бўлиб ишлаб келаётган Зайниддин Абдуллаев ҳақида илиқ сўзлар айтибди.

«Бу моҳир уста 60 ёшга қадам қўйди, — дейилган хатда. — Аммо у кексалигига қарамасдан ҳамон тиним билмайди. Туникасозлик — унинг касби ана шундай. Унинг олтин қўллари доим иш билан банд».

Совет воқийлигининг ҳар бир куни меҳнатда жасоратларга тўла. **М. Мирсултонов, Д. Ўринбосаров, А. Насриддинов, С. Султонов, Н. Облоёров Х. Олимжонов Э. Худойбердиев, Н. Ёдгоров** ўртоқлар бизга ана шу ҳақда ёзишган. Улар саноатчилар, энергетик ва қурувчилар ҳамда бошқа касбдаги кишиларнинг меҳнати ва шижоати, корхона ва қурилиш майдончаларида кўлга киритаётган зўр муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилишади ўз хатларида.

Шу кунларда областимиздаги ўнлаб саноат корхоналари ва қурилишларнинг коллективлари партиямиз XXIII съезди қарорларини, янги беш йилликнинг улуғвор режаларини амалга ошириш йўлида меҳнат қилиб, янгидан-янги ғалабалари қўлга киритмоқдалар. Бу ғалабаларнинг ҳар бири олга қараб қўйилган яна бир катта одимдир.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

МЕҲНАТ БАХТ КЕЛТИРДИ

Маҳмуд ака Марказий Универмаг биноси ёнига келганида ёпиқ эшик ёнида беш-ўн харидор тўпланиб турарди. Ичкарида, кечаси билан ёниб чиққан чироқлар ҳамон порлар, қора ҳалат кийиб олган фарроштар пол ювишарди. Савдо бошланишига ҳали қирқ минут вақт бор. Харидорлар учун ҳамма нарсани ҳозирданоқ тахт қилиб қўйиш керак.

Маҳмуд ака турли кийим-кечаклар, безаклар реклама қилиб қўйилган ойнаванд витрина ёнидан ўтди-ю, ичкарига кирди. Зал ичи тинч, салқин эди. У фаррош аёллар билан саломлашиб, зинадан иккинчи қаватга кўтарилди.

Аввалари — эски универмагда ишлаганида ҳам уларнинг бўлими иккинчи қаватда эди. Ўша ерда ўттиз йил сурункасига ишлади. Зиналардан неча минг бор кўтарилиб тушди. Энди бу ерда ҳам — Марказий универмагда ҳам ҳар куни неча бор иккинчи қаватга чиқиб тушади.

У бир оз дамини ростлаб олди-ю, яна тез-тез чиқиб кетди. Эркаклар костюми билан савдо қилувчи секция сотувчилари уни илиқ кутиб олишди. Одатдагича кичик кенгаш бошланди.

— Кеча план 120 процент бажарилди! — Сотувчи Абдулла Қурбонов мамнуният билан жилмайиб, секция бошлиғига ҳисобот берди.

Аммо Маҳмуд ака севинмади. У стул суянчиғига елкасини ташлаганча жиддий ўтирарди. Шогирдлари яхши билишади: бирон нарсадан кўнгли тўлмаса, Маҳмуд ака шундай қилади. У Абдуллага вазминлик билан тикилиб туриб, кечаги воқеани эслатди.

— План-ку, тўлди-я, лекин сен бир харидорга қўпол муомала қилдинг.

Абдулла устозининг энг кичик нуқсонгача эслаб қолишини биларди. Демак, кечаги воқеани ҳам сезибди.

— Ўзини кўрмайсизми, — деди у қизариб, — ярим соат овора қилди. Бешта костюмни кийиб кўрди. Унисининг ранги ёқмайди, бунисининг тикилиши...

— Нима қилибди? — Маҳмуд ака уни қойиб берди. — Харидор истаганча танлаши мумкин. Ким ўз пулини сувга ташлашни хоҳлайди! Сиз маслаҳат беринг, танлашга ёрдам қилинг!

Маҳмуд ака 1928 йилдан бери савдо системасида ишлайди. Шу давр ичида у харидорлари «хулқиғ»ни жуда яхши ўрганиб олган. Қайси кийимни танлаш унинг ихтиёрида. Бир оғиз сўз билан уни магазиндан бездириб юбориш ҳам мумкин.

Ҳаким ота ўғли Маҳмудни ҳали жуда ёшлик чоғиданоқ ҳушмуомалали бўлишга, одамларни севишга ўргатган эди. У ота сўзини қулоқ олиб, кам бўлмади. Мана, ҳозир Ҳаким ота тўқсонга яқинлашиб қолди. Маҳмуд аканинг ўзи ҳам, ўғил-қизлари, келин-куёвлари ҳам кафтида кўтаришади отани. Бир қозондан овқат ичиб, бир ҳовлида иноқ яшашади...

Соатнинг кичик мили 10 га етганида универмагнинг ойнаванд эшиклари қулочини ёйди. Эскалатор ғизиллаб айланиб, тўп-тўп одамлар иккинчи қаватга чиқиб келиша бошлади. Зал яна гувур-гувурга тўлди.

Абдулла устозининг бояги дашномидан таъсирланган шекилли, ёшгина йигитча билан илиққина саломлашди.

— Мана шу ранги сизга жуда ярашади. Венгрия маҳсулоти, чидамли... Бемалол кийиб кўраверинг...

... Ана яна бир харидор — бўйчангина, бугдойранг йигит кириб келди. Абдулла шошилиб қоляпти.

Маҳмуд ака аста ўрнидан туриб, йигит ёнига борди.

— Келинг, ука...

Йигит илганда турган жигарранг костюмни кўрсатди.

— Кийиб кўрсам майлими?

Маҳмуд ака унинг бугдойранг чеҳрасига яна бир тикилиб, жилмайди.

— Шошилманг, ука. Бу ранг сизга унча ярашмайди. Манавиисини кўринг-а! — У бежирим тикилган кулранг костюмни олди. — Ҳозирга жуда мос. Ранги яхши, арзон.

Харидор тошойна қўйилган кабинадан мамнун жилмайиб чиқди.

— Раҳмат сизга.

— Арзимайди, ўғлим, арзимайди.

Маҳмуд ака қалб ташаккурларини энди эшитаётгани йўқ. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика савдо министрлигининг фахрий ёрлиқлари билан бир неча бор тақдирланган. 1943 йилдан бери КПСС аъзоси, аълочи савдо ходими, софдил коммунист Маҳмуд Ҳакимов номига айтилган миннатдорчиликлар унинг тинимсиз меҳнати самарасидир. У юздан ортиқ шогирдларидан ҳам, ҳозир ўзи билан ёнма-ён туриб ишлаётган Забиҳулла Аюпов, Абдулла Қуроб-нов, В. Кузовов каби ўн етти савдо ходимидан ҳам кўплаб ташаккурлар эшитган. Лекин энг яхши мукофот харидор ташаккуридир.

Маҳмуд ака, ўз ўтмиш йўлига назар солса, суюниб кетади. Умри бежиз ўтмаганига қувонади. Маҳмуд ана ҳамманинг ҳурматини қозонган оддий савдо ходими бўлди. Тўнғич ўғли Ҳамид Бағдод шаҳрида элчилиннинг савдо тармоғида ишлайди. Маҳмуд ака ўз ўғлининг чет элда бутун бир мамлакат вакили бўлиб ишлаётганидан фахрланади. Яна бир ўғли — Абдумалик Венгрияда врачлик қилади. Яна бири инженер, бири бўлажак шарқшунос... У ўз фарзандларини меҳнатсевар кишилар қилиб тарбиялади, одамларни севишга ўргатди.

Маҳмуд ака ҳамон Марказий универмагнинг эркаклар костюми секциясига бошчилик қилади. Ҳар бир харидорга яқин маслаҳатгўй бу кекса савдо ходимининг чеҳрасида ҳамиша табассум порлайди. Негаки у ўз меҳнати билан обрў-эътибор қозонди. Куни кеча СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Ленин ордени билан мукофотлангани ҳам шу ҳалол меҳнат самарасидир.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
У. ҲОШИМОВ.

БАЙРОҚДОР КОЛЛЕКТИВ

Янгийўлдаги эксперименталь-колбаса заводи коллективини шундай деб аташади. Бунинг боиси бор, албатта. Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ҳар доим соз ва тез ишлашади. Давлат планларини муттасил ортиғи билан бажаришади. Ишлаб чиқаришнинг барча техника-иқтисодий кўрсаткичларини тинмай ошириб боришади.

Шу йилнинг биринчи квартали ҳам яхши якунланди. Қўшимча ўнларча минг сўмлик колбаса маҳсулотлари тайёрланди. Коллективнинг бундай фидокорона меҳнати муносиб тақдирланди. Биринчи квартал иш якунлари бўйича корхонага бир йўла иккита кўчма Қизил байроқ ва биринчи даражали пул мукофоти берилди. Уларнинг бирини СССР Гўшт-сут саноати министрлиги ва озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзининг Марказий Комитети топширди. Иккинчисини Янгийўл шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети берди.

Республикамизда биринчи бўлиб коммунистик меҳнат корхонаси деган юксак номни қозонган коллектив шу кунларда ҳам жадал ишлаб, юксак номни оқлаяпти. Топшириқларни ҳамиша ортиғи билан адо этяпти. Улар олти ойлик планни 23 июндаёқ дўндириб қўйишди. Меҳнат унумдорлиги эса, топшириқдагига қараганда 3,7 процент ортди. Қўшимча равишда 90 тонна колбаса, ҳаммаси бўлиб 130 минг сўмликдан кўпроқ ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришди. Пландан ташқари тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотининг ҳаммаси зилзиладан зарар кўрган Тошкент аҳолиси эҳтиёжлари учун жўнатилди.

Коллектив ишлаб чиқариш жараёнларини тинмай механизациялаш ва автоматлаштириш, технология процессларини такомиллаштириш йўлида тиним билмаяпти. Хомашёнинг кўплаб тежаб қолинишига муваффақ бўляпти. Шу мақсадда қатор ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Янгилик изловчиларнинг коллектив ютуғига қўшаётган ҳиссаси тобора салмоқли бўляпти. Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар билан чиқишди улар. Бу таклифларнинг фақатгина тўрттасини жорий қилиш билан йил давомида 75,1 минг сўмлик иқтисодий фойда олиш мумкин бўлади.

Суратда: Маҳмуд ака (ўртада) ўз шогирдлари билан.

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАХТ БЎЛСИН

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Бекобод шаҳар саноат корхоналари, муассаса ва ташкилотлари мактабларни янги ўқув йилига барвақт тайёрлаш ишига яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар. Бу йил ҳам яхши традицияга амал қилинди.

Меҳнаткашлар депутатлари Бекобод шаҳар Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида «Шаҳардаги саноат корхоналари ва жамоат ташкилотларининг мактабларни ҳамда болалар муассасаларини 1966-1967 ўқув йилига тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятлари муҳокама қилинди. Сессия ташаббускорларининг ибратли ишини маъқуллади.

«Умумий-мажбурий таълим ҳақидаги Қонунни амалга ошириш ишига биз ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз, — дейилади ушбу мажбуриятда. — Шаҳримизда мактаб ёшидаги биронта бола ўқишдан четда қолмаслиги керак. Ўғил-қизларни мактабларга тортишда халқ маорифи ходимларига амалий ишимиз билан жавоб берамиз. Шу билан бирга машғулотларнинг нормал ўтишини таъминлаш муҳим вазифадир. Шу сабабли биз мактабларни янги ўқув йилига барвақт тайёрлаш, синфхоналар, ўстахона, лаборатория ва фан кабинетларини сифатли ремонт қилиб беришга қарор қилдик...»

Социалистик мажбуриятда ҳар бир корхона ва муассасанинг оталиққа олган мактабларга қандай амалий ёрдам беражаги конкрет кўрсатиб ўтилган. 704-УНР коллективи ўз оталиғидаги А. Макаренко номли мактабга 320 ўқувчига мўлжалланган қўшимча синфхоналар қуришга сўз берди. Бундан ташқари бу коллектив кучи билан 5-мактаб-интернатга хўжалик склади қурилади, бассейн қуриш ишига ёрдам берилади.

Фарҳод ГЭСи коллективининг ҳам химмати катта. Оталиқ ташкилоти ёрдами билан 7-мактаб капитал ремонтдан чиқарилди. Янги ўқув йилида шаҳардаги 10-мактаб ўқувчилари яхши совғалар олишади. Бу ерда 3 ва 16-автобазалар коллективлари мажлислар зали ва спорт майдончасини жиҳозлайдилар. Шунингдек автобазалар кечки ишчи-ёшлар мактаби фан кабинетларини зарур асбоблар, кўргазмали ўқув қуроллари билан жиҳозлашни ўз зиммаларига олдилар.

Шаҳардаги В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи, цемент комбинати, темирбетон буюмлари заводи, гишт заводи ва қурилиш ташкилотлари ҳам ўз оталиғидаги мактабларни янги ўқув йилига барвақт ҳозирлаш учун қўлларидан келган ёрдамларини аямайдилар. Уларнинг ёрдами билан янги синфхоналар ва кабинетлар ишга тушади.

Пионер ёзини хушчақчақ ўтказиш юзасидан ҳам амалий тадбирлар кўрилди. Ҳозир «Строитель», «Металлург» ва бошқа пионер лагерларида шаҳар меҳнаткашларининг фарзандлари ёз гаштини суришяпти.

Шундай қилиб, корхоналар коллективлари ва жамоатчиликнинг ёрдами ҳамда бевосита иштироки билан шаҳар мактаблари узоғи билан 10 июлгача сифатли ремонтдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилади.

Бекобод шаҳар корхона ва ташкилотларининг бу ажойиб ишидан ҳар қанча ибрат олса арзийди.

А. АЛИЕВ.

САНИТАРИЯ МАДАНИЯТИ ЮКСАК БЎЛСИН

Ўзбекистон ССР Олий Совети соғлиқни сақлаш ва социал таъминот доимий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Республика гўшт ва сут саноати министрлигининг шу тармоқ корхоналарида ишловчиларнинг меҳнат гигиенаси ва турмуши тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди. Комиссия жиддий камчиликлар борлигини кўрсатиб, ана шу корхоналарнинг санитария аҳволини яхшилаш тадбирларини амалга оширишни тавсия қилди.

Депутатлар Қашқадарё ва Хоразм область ижроия комитетларининг «Республика шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган пунктлари санитария аҳволини яхшилаш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Советининг қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларини ҳам батафсил муҳокама қилдилар.

Комиссия область ижроия комитетларига ёз фаслида санитария маданиятини юксак даражага кўтариш учун курашни кучайтиришни топширди.

Республика соғлиқни сақлаш министрлигига санитария-эпидемиология хизмати ишини яхшилаш, ишлаб чиқаришда ва турмушда санитария нормаларига риоя қилинаётганлигини қатъий кузатиб бориш таклиф қилинди.

Мажлисда Тошкент шаҳар Совети соғлиқни сақлаш доимий комиссиясининг шаҳарда озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишнинг санитария аҳволини яхшилаш учун кўрилаётган чоралар тўғрисидаги ахбороти тингланди.

(ЎзТАГ).

Янги Тошкентни бунёдкорлари

МУНОСИБ ҲИССА

Октябрь районининг медицина ходимлари ҳимматли ишга қўл урдилар. Саломатлик посбонлари иш кунларини қайта кўриб чиқиб бундан буён дам олиш кунларида ҳам навбат билан ишлашга қарор қилдилар.

Ҳозир райондаги поликлиникалар медицина ходимларидан бир группасини чодирлар шаҳарчаларида учратасиз. Улар даволаш ишларини олиб бориш билан бир қаторда, аҳоли ўртасида медицина темаларида мазмунли суҳбатлар ҳам ўтказишяпти.

Бундан ташқари районда алоҳида медицина пункти ташкил этилди. Бу пунктда 15 врач ва ҳамшира ишламоқда.

Район соғлиқни сақлаш бўлимининг, шунингдек район санитария-эпидемология станциясининг ходимлари ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини Тошкентга ёрдам кўрсатиш бўйича очилган 170064—счётига топширдилар.

Э. ҚОДИРОВ.

ОЛМАЛИҚЛИКЛАР ҲИММАТИ

Беполён Ватанимизнинг ҳамма яхши ниятли кишилари қатори Олмалиқ кончилари, геологлари, қурувчилари ҳам пойтахтни қайта тиклашда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Олмалиқликлар ўзларининг икки кунлик иш ҳақларини янги Тошкент қурилишига ажратдилар.

Шаҳар корхоналари ҳозирга қадар Тошкентга ёрдам фондига 168 минг сўм жўнатдилар. Бунга В. И. Ленин номли Олтинтопган кўргошин-рух комбинати, «Алмаликсвинецстрой» трести ва ремонт-механика заводи коллективлари баранали ҳисса қўшдилар.

Бундан ташқари Тошкентдан кўчиб келаётган оилалар ҳам шинам уй-жойлар билан таъминланмоқда. Ҳозирга қадар 60 га яқин оила Олмалиққа кўчиб келди. Қурувчилар кени кеча Заводская кўчасида тиклинган 48 квартирали катта уй-жой биносини Тошкентдан келган оилаларга тортиқ қилишди.

Д. УРИНБОСАРОВ.

Пойтахтимиздаги Киров номли паркда очилган янги пионерлар лагерида ҳозир 500 тошкентлик ўқувчи ўз ёзги каникулларини кўнгилли ўтказмоқда. Суратда: қувноқ болалардан бир группасини кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

ПОЕЗДЛАР ШАРҚҚА ОШИҚАДИ

«Бакинец» қурилиш поезди Ўзбекистон пойтахтига йўл олди. Бу поездни Каспий денгизидан темир йўл пароми олиб ўтади. Эшелон Шарққа қурувчилар, турли-туман техника, ошхона, ётоқхона олиб боряпти.

Одессадаги Январь қўзғолони номли завод машинасозлари Тошкент буюртмасини муддатидан уч ой илгари адо этдилар. Ўзбекистонга ўнта ўзюрар кран жўнатилди.

Амурбўйи ёғоч тайёрлаш корхоналари Тошкентга 15 минг кубометр ёғоч материаллари, ўнларча йиғма уй ва бошқа маҳсулотлар юбордилар.

Луганскдан Ўзбекистон томон бирин-кетин эшелонлар йўлга чиқмоқда. Коммунарск металлурглари, Шимолий Донецк химиклари, «Красний луч» машинасозлари, Якубовский номидаги завод трубапрокатчилари, бошқа корхоналарнинг меҳнаткашлари қардош республикага ўз маҳсулотларидан пешма-пеш жўнатиб туришибди.

Узловск машинасозлик заводи Тошкентга дастлабки кучли кўтарма кранлар юбора бошлади. Тула областининг бошқа корхоналари ҳам Ўзбекистонга маҳсулот юбориб туришибди. Новомосковск ганч комбинати Тошкентга мингларча квадрат метр ҳажмда тайёр сувоқ материали жўнатди.

Мутахассислар тушган ва техника ортилган махсус поезд Куйбишевдан Тошкент томон йўлга чиқди.

(ТАСС мухбири).

НОЗ-НЕЪМАТЛАР СИЗЛАРГА

Янги Тошкентни бунёд этишга ҳисса қўшиш мақсадида колхоз қишлоқларининг азамат кишилари ҳам астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Яқинда Калинин районидаги Навоий номли колхозда ҳам шу мақсадга бағишланган йиғилиш бўлиб, ички имкониятлар атрофлича муҳокама қилинди. Колхоз аъзолари бу йил давлатга сотиладиган 5244 тонна турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдорини анча оширишга қарор қилишди.

Улар ёрдамга келган қардошларимиз ва шаҳар аҳолиси учун давлат планидан ташқари 300 тонна сабзавот, 50 тонна картошка ва 150 тонна полиз маҳсулотлари тайёрлаб, бу маҳсулотларни қисқа муддатларда етказиб бериш режаларини туздилар.

Табиий офат Калинин районининг шимол томонига жойлашган бу колхозга ҳам жиддий зарар етказди. 10 та колхозчининг уйи бузилди. Колхоз территориясидаги 50 ўринли касалхона, 10 йиллик ва 8 йиллик мактабларнинг биносига ҳам жиддий шикаст етди.

Шу кунларда колхозларароқ қурилиш бошқармаси қурувчилари билан колхознинг ўз қурилиш бригадаси усталари ҳамкорликда иккала мактаб биносини янги ўқув йилигача тўла ремонтдан чиқариш учун қизғин иш олиб боришяпти. Касалхонани бузиб ташлаб унинг ўрнида замонавий типдаги касалхона қуриш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Янги касалхона қурилиши учун колхоз ўз бўлинмас фондидан етарли маблағ ажратди.

Уй-жойи шикастланган Нуғмон Тўрахўжаев ва Сонобар Жумаеванинг уйлари колхоз маблағи ҳисобига ремонт қилиб берилди. Колхозчиларнинг уй-жойларини ҳам ремонт қилиш ишлари яқин кунларда тамомланади. Далаларда табиий офатдан зарар кўрган дўстларимизга кўпроқ маҳсулот етказиб бериш учун эртаги ҳосилни йиғиб олиш, кечки экинларга ишлов беришни янада кучайтириб юборилди.

Сабзавотчиларнинг бу йилги планлари қатъий. Колхоз бўйича 13568 тонна турли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун бутун имкониятлар, етарли техника воситалари бор.

Мана, уларнинг қилган меҳнатларининг дастлабки натижалари кўринабошлади. Қобил Низомов бошлиқ бригада аъзоларининг ерларида етиштирилган эртаги картошканинг дастлабки тонналари шаҳар меҳнаткашларига жўнатилабошланди. 20 гектар картошканинг ҳар гектаридан пландаги 10 тонна ўрнига 13-15 тоннадан ҳосил кўтаришмоқда. Шунингдек, Саъдулла Рўзиев бошлиқ 9-бригада аъзолари 3 гектар ердан пландаги 69 ўрнига 80 тонна, Ғани Валиев бошлиқ 6-бригада аъзолари эса, гектаридан пландаги 23 тонна ўрнига шу кунгача 26 тоннадан карам йиғиштириб олди. Пайкаллар да ҳосилни йиғиштириб олиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Деҳқонлар 51 гектар майдондаги пиёзни ҳам яхшилаб парвариш қилишди. Натижада ҳар гектаридан пландаги 10 ўрнига 12 тоннадан ҳосил кўтариш имконияти яратилди. Колхозда бу йил ғалла ҳам мўл бўлмоқда. Бугдой ўримйиғими қизғин давом этяпти. Дастлабки ҳосилларга қарагандa гектаридан 15-18 центнердан ҳосил олинмоқда.

Колхознинг қўлга киритаётган дастлабки ютуқларидан кўриниб турибдики, деҳқонлар илгариги камчиликлардан етарли хулоса чиқариб олишибди. Бир неча йиллардан бери колхоз ўз планларини бажармай келарди. Маҳсулот етиштиришнинг баъзи турлари бўйича айрим ютуқларга эришилса ҳам кўпчилик турлари бажарилмай қарздор бўлиб қолинарди.

Колхозчилар қолоқлик сабабларини атрофлича анализ қилишди. Уни бартараф этиш, ишни йил бошиданоқ пухта ташкил этиш чораларини кўришди.

Қишлоқ меҳнаткашлари Тошкент аҳолисига, зилзила оқибатларини тугатишда жонбозлик кўрсатаётган қардошларимизга янада кўпроқ — 3000 тонна картошка, 3498 тонна сабзавот ва 1300 тонна полиз маҳсулотлари етказиб бериш учун шу кунларда ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ҚУРУҚЛИКЛАР ҚАЁҚҚА СУЗМОҚДА?

Олимлар планетамизнинг тузилиши, қуруқликлар ва океанларнинг пайдо бўлиши ҳақида синчиклаб тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Ҳозирги кунинг фани қуруқликлар ва океанларнинг пайдо бўлиши, қуруқликларнинг дрейфи тўғрисидаги назария ҳақида нима дейди? СССР Фанлар академияси Геология институтининг геофизика лабораторияси мудири, геология-минералогия фанлари доктори П. Н. Кропоткин шу ҳақда қуйидагиларни айтди.

1912 йилда немис олими А. Вегенер жуда қадим замонлардан бери қимирламас деб ҳисоблаб келинган қитъаларни жойидан «қўзғатди». Қитъалар сузиб юради. Бу ҳаракат қадимдан бошланди ва шу кунда ҳам давом этмоқда. У абадийдир. Вегенернинг гипотезаси олимларнинг жуда кўп тортишувларига сабаб бўлди. Кескин мунозаралар ҳозир ҳам давом этяпти. Бу назариянинг ҳимоячилари ва муҳолифлари бор. Мен эса шахсан қуруқликларнинг сузиб юриши ҳақидаги назария тарафдорларидаман.

Бу назария ҳозирги вақтда яхши асосланган ва тобора кўпроқ олимлар томонидан эътироф қилинмоқда.

Қандай кучлар қитъаларни ҳаракатга келтирмоқда? Ҳозир шу нарса жуда яхши маълумки Ернинг мантияси жуда юксак ҳароратгача қизиган. У пластик хусусиятга эга, қатлам-қатлам, унда муттасил ўрин алмашиш бўлиб туради. Қитъа парчалари ана шу қатлам-қатлам масса билан биргаликда худди сув тўла оқаётган дарёдаги муз парчалари сингари ҳаракат қилади.

Африка, Арабистон, Ҳиндистон, Австралия ва Антарктида узоқ ўтмишда — бундан 600—200 миллион йил илгари — ягона улкан бир қитъа эканлигини кўрсатувчи ўхшашликлар жуда кўп. Аввало уларнинг геологик тузилиши бир-бириникига ўхшайди. Бу тоғ жинсларининг қолдиқ магнитлилиги маълумотлари билан ҳам тасдиқланади. Худди шу қолдиқ магнитлилиги Ер қобиғининг маълум участкаси жинслар ҳосил бўлаётган вақтда географик кенгликнинг қайси бирида бўлганлигини тахминан аниқлаш имконини беради. Палеомагнитологлар қитъалар Ернинг магнит ва географик қутбларига нисбатан ўрин алмашишини аниқладилар. Натижада, жанубий қитъаларнинг бўлиниб чиқиши содир бўлди. Ҳиндистон ярим оролининг бўлаклари жанубдан шимолга қараб ўз ўрнини ўзгартирган. Шимолий Америка эса Европадан ғарбга томон «сузиб» кетган.

Қитъаларнинг бир вақтлар бирбирига жуда яқин турганлиги уларнинг кўринишидаги ўхшашликлар билан ҳам тасдиқланади. Айниқса агар Жанубий Африкани Африка қиргоқларига «сурилса» бу қитъалар қиргоқлари жуда катта узунликда деярли бир-бири билан жойлашиб кетади. Африка, Европа, қитъаси, Гренландия ва Шимолий Америка ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Сейсмик зондлаш натижалари ҳам қитъаларнинг «сузиб» юришини кўрсатувчи далиллардан бири ҳисобланади. Бу шуни кўрсатдики, ер қобиғининг тузилиши қитъаларда ва океан остида бир-бирига жуда яқиндир. 30-40 километр қалинликдаги қитъа бўлаклари гранит қатламдан ташкил топган бўлиб, унинг остида анча зич жинслар ётади. Океан туби эса одатда усти бир-икки километр қалинликдаги қолдиқ жинслар билан қопланган ва қалинлиги беш километр бўлган базальт қатламидан иборатдир.

Қитъалар ва океан тубининг тузилишидаги бу фарқ шу билан изоҳланадики, Атлантик ва Ҳиндистон океанларига ўхшаш океанлар қитъаларнинг икки томонга сурилиши натижасида ҳосил бўлган. Аден қўлтиғи ва Қизил денгиз чўкмасини худди шундай силжишларнинг бошланиши бўлган деб ҳисоблайдилар. Бу чўкма Арабистон ярим оролининг Африкадан 200 километр узоқлашиши натижасида ҳосил бўлган. Буни ер шарининг ана шу қисмлари контурларини бир-бирига солиштириш билан осонликча билиш мумкин.

Албатта бу жараён жуда секин бўлмоқда. Агар, масалан қитъалар ҳар йили бир сантиметр тезликда ҳаракат қилса, шунинг ўзи кифоя. Чунки улар юз миллион йил давомида минг километрга «сузиб» бориши мумкин. Геологлар нуқтаи назаридан юз миллион йил айтарлик узоқ муддат эмас. У Ер пайдо бўлганидан буён ўтган вақтнинг фақатгина икки процентини ташкил этади.

Қуруқликлар сузишининг умумий схемаси ўрганилганда шу нарса аниқландики, қитъалар Ҳиндистон, Атлантик ва Шимолий муз океанидан узоқлашиб аста-секин Тинч океан томонга «сурилмоқда». Бундан ташқари улар ер қобиғининг сиқилиш пояси томон ўзаро яқинлашмоқдалар. Бу пояс эса, Алп, Болқон, Карпат, Кавказ тоғлари, Помир ва Ҳимолай орқали ўтади. Геологларнинг айтишича, бу поясда қитъалар деформацияланади, яъни текислик сиқилиб, тоғ тизмалари пайдо бўлади. Бу гипотеза совет сейсмологлари А. В. Введенская, Л. М. Балакина ва бошқаларнинг тадқиқотлари натижасида яна бир марта тасдиқланди. Улар Алп, Ҳимолай поясининг ер қимирлайдиган жойларида сейсмик зилзилалар тоғларнинг сиқилиши натижасида ҳосил бўлишини аниқладилар.

Ерда сиқилиш поясидан ташқари чўзилиш пояслари ҳам бор. Улар тахминан барча океанларнинг ўртасидан кесиб ўтади ва океан тоғ тизмаларининг бутун бир системасидан иборатдир. Океан тоғ тизмаларининг системаси Шимолий Муз океанидан бошланиб, унинг ўртасидан Атлантик океан орқали ва Африканинг жанубий томонидан ўтади. Сейсмик сувости тизмаси Ҳиндистон океанининг марказий қисмидан жануби-шарққа томон бориб, Австралия ва Антарктида ўртасидан ўтиб, Тинч океанга боради. Бу поясда доимо ер қимирлаб туради.

Совет олимлари томонидан Ҳиндистон океанида олиб борилган океанографик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сейсмик ўрта тоғлар орқали ўтадиган тор ва чуқур зовурлар ўз рельефи жиҳатидан Байкал, Танганьика ва Ньяса ороллариға сув қуйиладиган жой рельефига ўхшайди. Шу нарса аллақачон исботланганки, Байкал кўли чўкмаси ер қимирлаш таъсирида ер қобиғининг чўзилиши натижасида ҳосил бўлган. Океан чўкмаларининг ҳам худди шу йўл билан ҳосил бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Шундай қилиб океанларнинг сейсмик пояслари қуруқликларнинг сузиб юриши назариясини яна бир бор исботлайди.

Шуниси қизиқки, чўкмаси Ҳиндистон ва Австралиянинг Африка қитъасидан узоқлашиши натижасида ҳосил бўлган Ҳиндистон океанида Ҳиндистондан қолган янада майдароқ «бўлакчалар» сақланиб қолган. Мадагаскар, Сокотра ороллари ва Сейшель ороллари группаси шулардандир. Бу барча ороллар ер юзасига ер қобиғининг қитъага хос гранит қатлами чиқиб ётади. Бу гранит қатлам Африка ва Ҳиндистондаги каби жинсларден ташкил топган.

Охирида шуни айтиш керакки, қитъаларнинг силжиб туриши жуда яхши маълум бўлса ҳам қитъаларни ҳаракатга келтирувчи ер остидаги чуқур жараёнлар механизми ҳали яхши ўрганилмаган. Аммо, Ернинг устки қатламлари доимо горизонтал ўрин алмашади, бу ҳозирги вақтда СССРнинг Ашхабод шаҳри районида ва АҚШнинг Сан-Франциско ҳамда Лос-Анжелес шаҳарлари ўртасида олиб борилаётган геодезик ўлчовлар билан тўла тасдиқланган деб ҳисоблаш мумкин.

Ер ички тузилишининг янада чуқурроқ ўрганилиши олимларнинг яқин келажакда «қитъалар қаёққа сузяпти» деган саволга аниқ жавоб беришлари учун имконият туғдиради.

(«Труд» газетасидан).

Тошкент шаҳридаги
2-ПРОФТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1966/67 ўқув йилига
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти саноат учун юқори малакали мутахассислар: металл токарлари, металл фрезерчилари, саноат маҳсулотини йиғувчи слесарлар, ремонтчи-слесарлар, тунукасос-слесарлар, монтажчи-слесарлар тайёрлайди.

Билим юртига 8—11 синфни тамомлаган, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йилдан 2 йилгача.

Ўқиш даври ишлаб чиқариш стажига қўшилади.

Билим юртини аъло баҳо билан тамомлаганлар олий ўқув юртларига конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланади.

Билим юртига кирувчилар аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб, қабул комиссиясига тақдим қиладилар: таржимаи ҳол, стуклик аттестатининг асли ёки табель, турар жойдан справка, 3х4 сантиметр ҳажмида 6 та фотокарточка, мактабдан характеристика. Паспорт ёки метрикани шахсан кўрсатадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Полиграф кўчаси, Авиация проезд, 10-уй (10-трамвай, 8, 10, 14-автобуснинг «Максим Горький кўчаси» остановкаси).

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
МАРКАЗИЙ ЛЕКТОРИЙ
шаҳардаги олий ўқув юртлари билан биргаликда олий ўқув юртларига кирувчилар учун
химия, физика, тарихдан
ҚУШИМЧА
обзор лекциялар
УЮШТИРАДИ.
Абонементларни ва бир марталик билетларни «Правда Востока» кўчаси, 4-уйда ўрталаб соат 10 дан кеч 6 гача сотиб олиш мумкин.
Зарур маълумотлар учун В-3-78-83, В-3-28-85 телефонлар орқали мурожаат қилинсин.

Жаҳон янгиликлари

АҚШ КОМПАРТИЯСИ СЪЕЗДИГА ТАБРИК

ХАНОЙ. Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети, деб хабар беради, Вьетнам информация агентлиги, АҚШ коммунистик партиясининг XVIII съездига табрикнома юборди.

Табрикномада бундай дейилади: АҚШ империалистлари мамлакатимизга қарши агрессив урушга барҳам бериб, Америкaнинг ҳамма қўшинларини ва ўз гумашталарининг қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетган, Вьетнам Демократик Республикасига қарши ҳаводан қилаётган ҳужумларини ва бошқа уруш ҳаракатларини ҳеч қандай шарт қўймай, тўхтатиб турган тақдирда, мамлакатнинг мустақиллиги, бирлиги ва территориал бутунлигини тан олиб, вьетнамликларнинг Вьетнам ички ишларини ўзлари ҳал этишларига имкон берган тақдирда Вьетнамда тинчлик дарҳол тикланади. Бу ишлар Вьетнам масаласи юзасидан 1954 йилда Женевада тузилган битимларнинг руҳига мувофиқ бўлиб, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг тўрт моддадан иборат программасида ва Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг беш моддадан иборат таклифларида баён қилинган эди.

Биз шу фурсатдан фойдаланиб, дейилади табрикномада, ҳозирги вақтда АҚШнинг Вьетнамдаги агрессив урушига қарши курашиб келаётган ва халқимизнинг ҳаққоний ишини қўллаб-қувватлаётган Америка ишчилар синфига ва Америка халқининг барча табақаларига чин кўнгилдан ташаккур изҳор қиламиз.

АМЕРИКА УЧУВЧИСИНИНГ ЭЪТИРОФИ

ХАНОЙ, 23 июнь. ТАСС мухбири Е. Кобилев хабар беради:

Вьетнам учувчилари ўтган куни Хабак вилояти тепасидаги осмон жангида Американинг иккита реактив самолётини уриб туширдилар. Америка учувчиларидан бири — АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг майори, 34 яшар Колэр Блэк асир олинди. Бугун Вьетнам газеталари Америка учувчиси тергов қилинаётган вақтда олинган суратларни босиб чиқарди. Майор Вьетнам Демократик Республикаси территориясидаги гражданлик иншоотларини бомбардимон қилишларнинг бирида Америка бомбардимончи самолётларини қўриқлаб турган учта реактив қирувчи самолёт группасидаги етакчи учувчи бўлган. Реактив қирувчи самолётлар шу куни Тонкин кўрфази сувларида, 18-параллелдан шимолроқдаги Хатинь шаҳри ёнида турган «Хэнкок» авианосидан учиб келган эди.

«Мен Вьетнам самолётлари яқинлашиб келаётганини кўришим биланоқ, бутун вужудимни қўрқув босиб кетди, — деб ҳикоя қилди Колэр Блэк терговда. — Менда самолётни бошқариш учун зарур бўлган вазминликдан асар ҳам қолмади. Шу вақт Вьетнам самолёти ўт очди ва бир снаряд тўппатўғри кабинага келиб тегди. Самолётни бошқаришнинг иложи қолмади, мен махсус аппаратлар ёрдамида ўзимни Ерга отдим, ловуллаб турган самолёт эса, ерга ағдарилиб тушди».

Америка учувчиси терговда Вьетнам учувчиларининг ғоят аниқ нишонга олишини тан олди.

ЛАОС ВАТАНПАРВАРЛАРИ ҲУЖУМДА

ХАНОЙ. (ТАСС). Лаос халқ озодлик армиясининг жангчилари шу йил май ойида Аттопе, Самнеа, Чампассак, Саваннакет ва Луангпрабанг вилоятларида қўғирчоқ ҳукумат қўшинлари билан олиб борилган жангларда душманнинг 296 солдати билан офицерини сафдан чиқардилар, кўп миқдорда ҳарбий анжомларни ўлжа олдилар, деб хабар беради Вьетнам информация агентлиги «патет лао овози» радиостанциясининг ахборотига асосланиб.



АДАН. Аравия ярим оролининг жанубидаги жазирама иссиқ инглиз оккупантларини кўп лоҳас қилмоқда. Мустамлакачиларнинг террорни кучайтиришларига қарши Адан партизанлари янги ҳарбий чиқишлар билан жавоб бермоқдалар. Полиция участкаларида, казармаларда ва ҳатто Британия ҳарбий базаси территорияларида қўлда ясалган бомбалар портламоқда.

Инглизлар «қизил бўрилар» деб атайдиган партизанларни аҳоли актив қўллаб кувватламоқда. Аданда Озодлик армияси тўла назорат қилиб турган районлар бор. Тиканли симлар, бронетранспортёр ва ҳозирги замоннинг энг мукаммал қуролига эга бўлишларига қарамай, мустамлакачилар босиб олган ерларида ўзларини хотиржам ҳис қила олмайдилар. Суратда: инглиз патрули сахрода.

Камера Пресс—ТАСС фотоси.

ФИТНА ФОШ ҚИЛИНДИ

ЛОНДОН, 23 июнь. (ТАСС). Бурунди ташқи ишлар министри Марк Маниракиза кеча Бурунди радиоси орқали нутқ сўзлаб, Бурунди короллиги ҳукумати ҳукуматга қарши фитнани фош қилганлигини айтди.

Рейтер агентлиги мухбирининг Бужумбурадан хабар беришича, министр фитнанинг фош қилинишни тафсилотларини айтиб бермаган.

ФРАНЦИЯДАГИ СЎЛ КУЧЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ПАРИЖ, 23 июнь. (ТАСС). Сена департаменти бош кенгашининг раиси қилиб сўл, республикачи группаларнинг номзоди Г. Жеводан (Франция социалистик партияси) сайланди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В35212, Редактор ўринбосарлари — В35885, В36232. Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Партия турмуши — В35811, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — В33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050, Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 08539. ИНДЕКС 64969. Г. 1144.